ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

САНАЕВ СОБИР ТОЙИРОВИЧ

КАРТОШКАНИ ТУГАНАКСИЗ ЎСИМТАЛАРДАН ЎСТИРИШГА МОС НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.01.06 – Сабзавотчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2017

УДК: 635.21+631.51

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of abstract of doctoral dissertation (DSc)

Санаев Собир Тойирович
Картошкани туганаксиз ўсимталардан ўстиришга мос навларини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Санаев Собир Тойирович
Отбор и разработка технологии пригодных к возделыванию сортов картофеля безклубневыми ростками.....…..... 27

Sanaev Sobir Toyirovich
Selection and development of technologies suitable for cultivation of potato tubers without sprouts….....….....…… 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....…….....……...…..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

САНАЕВ СОБИР ТОЙИРОВИЧ

КАРТОШКАНИ ТУГАНАКСИЗ ЎСИМТАЛАРДАН ЎСТИРИШГА МОС НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.01.06 – Сабзавотчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Qx32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Остонақулов Тоштемир Эшимович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Дусмуратова Саодат Исмаиловна** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Абдурахимов Мингжигит Каттабекович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Низомов Рустам Ахролович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўсимликшунослик илмий – тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2017 йил 28 октябрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2 уй. Тошкент давлат аграр университети, тел: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (532891 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2 уй. ТошДАУ. Тел: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00.

Диссертация автореферати 2017 йил 16 октябрда тарқатилди.
(2017 йил 12 октябрдаги 9/1 рақамли реестр баённомаси.)

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н.

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Картошка дунёда қишлоқ хўжалигида муҳим ва оммабоп стратегик озиқ-овқат экинларидан бири ҳисобланади. Дунё бўйича мазкур экин майдони 1991 йилда 17,7 млн. гектарга экилган бўлса, 2015 йилда 21,5 млн. гектарга кенгайиб, ялпи ҳосил эса 265,9 дан 351,2 млн. тоннагача ортиб, ҳар гектардан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 16 тоннани ташкил этмоқда[1]. Бугунги кунда, дунёнинг сабзавот етиштирувчи ва картошка ишлаб чиқарувчи барча мамлакатларида картошка уруғлик материаллари, янги яратилган истиқболли навлар уруғлик туганакларини жадал кўпайтириш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Республикамиз картошкачилигида дунё бозорига рақобатбардош янги навларни яратиш ҳамда уларни жадал кўпайтириш ва уруғчилигини ташкил этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида картошка навлари тўплами орасидан турли тупроқ иқлим шароитлари учун мос навларни танлаб, уруғчилигини ташкил этиш орқали уруғлик материаллар заҳираси яратилди. Шу билан биргаликда, турли тупроқ-иқлим шароитларида картошкани туганаксиз ўсимталаридан ўстиришга мос навларини танлаш ва етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада ҳам серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, бир йилда икки ҳосил олишга яроқли, махсулот сифати яхши бўлган навларни яратиш, уларнинг уруғчилигини такомиллаштириш ва навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юқори ҳосил олишни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини муҳим аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатларида картошка асосан туганакларидан кўпайтирилиб, майдон бирлигига сарфланадиган уруғлик миқдори (3,0-3,5 т/га) бўйича энг юқори ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам экинни етиштириш учун қилинадиган харажатларнинг асосий қисми (50-60%) уруғлик учун сарфланади. Шу боис уруғлик туганаклардан самарали фойдаланиш уларнинг кўпайиш коэффициентини оширишга хизмат қилади. Картошкачиликда туганакларнинг кўпайиш коэффициенти ўртача 4-5 донани ташкил этади. Картошкачиликда ўсимталари билан кўпайтириш уруғлик туганакларидан самарали фойдаланиш ва кўпайиш коэффициентини оширишга имкон яратади. Лекин, бунинг учун мос навларнинг танланиши, экинни бу усулда етиштириш учун мос, республика тупроқ-иқлим

[1]http://www.fao.org/faostat/foodsecurity

шароитини, нав хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экиндан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Дунё аҳолисининг асосий озиқ-овқат экинларидан бири бўлган картошкага бўлган талабини қондириш, экиннинг ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга қаратилган ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари[2] жумладан, International Potato Center (CIP) (Перу), National Institute of Food and Agriculture (NIFA) (АҚШ), Wageningen University (Голландия), Dutch Potato Center (Германия), National Institute of Research and Development for Potato and Sugar Beet Brasov (Руминия), Potato Research Institute Havlichkuv Brod (Чехия), Centeral Potato Research Institute (CPRI) (Ҳиндистон), Potato Germplasm Enhancement Laboratory (Япония), Yunnan Potato Research Institute (Хитой), А.Г.Лорх номидаги Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Россия), Украина фанлар академияси қошидаги Картошкачилик институти (Украина), Белоруссия картошкачилик, сабзавотчилик ва мевачилик илмий-тадқиқот институти (Белоруссия), Қозоғистон сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Картошка навларини туганак ҳамда туганаксиз кўпайтиришни ҳар томонлама баҳолашга оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: картошканинг маҳаллий шароитларга мос, тезпишар ва ўртатезпишар навларини яратилган; картошка етиштиришнинг ресурстежамкор технологиялари ишлаб чиқилган (Халқаро

[2] http://cipotato.org, http://nifa.usda.gow, http://wur.nl, http://site.potato.ro, http://vubhb.cz, http://potatopo.com, http://obihiro.ac.jp, http://chinadaily.com, http://www.vniikh.com, http://www.belbulba.by, http://www.kazniiko.kz/ ва бошқа.

картошкачилик маркази, Wageningen University, Centeral Potato Research Institute, Қозоғистон сабзавотчилик ва картошкачилик илмий – тадқиқот институти, А.Г.Лорх номидаги Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти); картошкани мини туганаклари орқали кўпайтириш ҳамда жадаллашган ин-витро (in-vitro) усули ишлаб чиқилган (National Institute of Food and Agriculture, Yunnan Potato Research Institute); картошкани туганаксиз ботаник уруғидан кўпайтириш мумкинлиги аниқланган (Dutch Potato Center, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти).

Дунё картошкачилигида асосан қуйидаги устувор йўналишларда илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ҳар бир тупроқ – иқлим шароити учун мос навларни яратиш; экологик тоза, арзон ва юқори ҳосил олишни таъминловчи ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш; картошкани туганак ва туганаксиз ўстириб, вируслардан ҳоли уруғчилигини ташкил этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда картошка селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси элементлари – экиш муддатлари, усуллари, ўғитлаш, суғориш ҳамда кўпайтириш (ўстириш) усуллари Н.Н.Балашев, Г.О.Земан, Д.Т.Абдукаримов, В.И.Зуев, А.Абдуллаев, О.Қодирхўжаев, Ҳ.Ч.Бўриев, Б.Б.Азимов, Т.Э.Остонақулов, И.Т.Эргашев, А.Х.Ҳамзаев, М.К.Абдурахимов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Эртаги картошка етиштиришга мос навларни танлаш, кўпайтириш, экиш схемалари, ўғитлаш меъёрларини белгилаш борасида картошкачилик ривожланган давлатларда АҚШда J.R.Davis, D.O.Everson, Германияда P.Shuhmann, Голландияда W.Heijbroek, Россияда П.А.Чекмарев, Н.С.Кручинин, Б.В.Анисимов, М.А.Коршунова, И.М.Яшина кабилар томонидан илмий – тадқиқотлар олиб борилиб, бу борадаги изланишлар илмий манбаларда нашр этилган.

Лекин, мавжуд генофонд ва навлар тўплами орасидан картошка туганак ва ўсимталаридан ўстиришга мос истиқболли навларини танлаш, ўсимта ўсимликларини турли туп қалинликларида ўстириш ва органик ҳамда минерал ўғитларда озиқлантириш асосида экинни етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-8-155 «Янги навларнинг соғломлаштирилган уруғлик туганаклари асосида картошкани одатдаги ва икки ҳосилли экинлар сифатида ўстириб бирламчи ва элита уруғчилигини ташкил этиш ҳамда уруғлик маҳсулотини сақлашнинг экологик соф самарали технологиясини яратиш» (2006-2008 йй.); КХА-10-038-1 «Картошка жаҳон генофондини ўрганиш, сақлаш ва бойитиш асосида янги маҳсулдор, экологик ва вирусли айнишларга чидамли навларни яратиш, уларнинг вируссиз бирламчи ва элита уруғчилигини такомиллаштириш»

(2009-2011 йй.); КХА-8-061 «Картошка генофондини сақлаш, бойитиш асосида ҳосилдор, экологик ва вирусли айнишларга чидамли, иккиҳосилли экинга мос навларни яратиш» (2012-2014 йй.) ва КХА-8-006-2015 «Картошка жаҳон генофондини сақлаш, бойитиш асосида ҳосилдор, вирусли айнишларга чидамли, ҳосили экологик тоза, сақланувчан навларни яратиш, бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади картошка навларини туганак ва ўсимталардан ўстириб, юқори, сифатли ҳамда арзон ҳосил олишни таъминловчи технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимта ва туганак экин сифатида етиштириш учун мос навларни ажратиш;

ажратилган картошка навларини ўсимталар билан экилганда мақбул туп қалинлигини аниқлаш;

картошка навларини ўсимталар билан етиштирилганда органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрини аниқлаш;

ўсимталар ва ўсимтасиз туганаклардан етиштирилган ҳосилни ёзда янги ковланган, туганакларидан иккиҳосилли экин сифатида ўстирилганда дала унувчанлиги, маҳсулдорлиги, вируслар билан касалланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш;

ўсимталар қалинлиги ва туганакларни ўстирувчи стимуляторлар билан ишлашнинг уруғбоп туганаклар чиқими ҳамда кўпайиш коэффициентига таъсирини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб, картошканинг Голландия, Германия, Белоруссия, Россиядан келтирилган ва республикамизда яратилган 51 та, шундан 19 та тезпишар, 17 та ўртатезпишар ва 15 та ўртапишар навлар тўплами олинди.

Тадқиқотнинг предмети эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлар шароитида картошка турли навларини ўсимта ва туганаклардан ўстирилганда ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсирини аниқлаш асосида янги усулда етиштириш учун мос навларни танлаш, юқори, сифатли ва арзон ҳосил етиштириш технологиясининг асосий элементлари, ўсимталарни мақбул экиш схемаси, органик ва минерал ўғитлар меъёрлари, ҳар хил усулларда етиштирилган туганакларнинг уруғлик сифатлари бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парваришлаш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва анализлар умумий қабул қилинган Бутунроссия ўсимликшунослик институти, Бутунроссия картошка хўжалиги илмий тадқиқот институти, Сабзавот - полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат комиссияси услуб ҳамда тавсиялари асосида олиб борилди. Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel

компютер дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (1985), Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов (2002) услублари бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Самарқанд вилояти эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида картошка тезпишар, ўрта тезпишар ва ўртапишар навлар тўплами туганак ўсимталаридан ўстирилиб қиёсий баҳоланган;

муайян шароитда ўсимталардан эртаги экин сифатида ўстиришга мос истиқболли навлар ажратилган;

ажратилган картошка навлари ўсимталари турли туп қалинликлари ва ўғит меъёрларида, ўсимтасиз туганаклар макроўғит ва ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланиб ёки ишланмасдан экилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, миқдори ва сифатига таъсири ўрганилиб, ўсимталар ва туганаклардан картошка ўстириш технологияси илмий асосланган;

фермер хўжаликлари шароитида картошка навларини туганак ва ўсимталаридан тез кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Картошканинг турли тезпишар, ўртатезпишар ва ўртапишар навлар тўпламининг эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида туганак ва ўсимталаридан экилганда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича тезпишар - Red Scarlett, Binella; Дельфин, Қувонч-16/56 м, ўртатезпишар – Obelix, Aladin, Memphis, Kondor, Agria, Marfona; ўртапишар – Arnova, Альтаир, Arinda, Ҳамкор-1150 навлари ажратилди. Мазкур навлар ўсимтаси 70х30 см схемада ҳар уяга 3 донадан ёки 70х20 см схемада ҳар уяга 2 донадан экилиб 20 т/га ярим чириган гўнг + N_{200} P_{160} K_{100} кг/га берилганда гектаридан 22,1-32,9 т, ўсимтаси олинган уруғлик туганакларни эса макроўғит ва ўстирувчи стимуляторларда ишланиб экилганда гектаридан 15,3-31,7 т дан ошириб соғлом товар уруғбоп ҳосил олиниши белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини услубий жиҳатдан тўғрилиги махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий илмий лойиҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижаларининг республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналлар ва Республика даврий-илмий нашрларида илмий мақолалар ҳамда монография чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилиб жорий қилинганлиги, туганак ўсимталаридан ўстириш усули учун ихтиро сифатида патент олинганлиги кабилардир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти ўсимта ва туганак экин сифатида етиштириш учун мос навларни танлаш, ўсимта ўсимликларига қўйиладиган талаблар, ўсимталар билан экилганда мақбул туп қалинлиги, органик ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг илмий асосланганлиги, уруғбоп туганаклар чиқими ҳамда кўпайиш коэффициентига таъсирини белгилашдан иборат.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлар шароитида картошка турли навларини ўсимта ва туганаклардан ўстирилганда ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсирини аниқлаш асосида юқори, сифатли ва арзон ҳосил етиштириш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Картошка навларини туганак ва туганаксиз ўсимталардан ўстириш технологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Картошкани туганаксиз кўпайтириш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган. Бунинг натижасида картошка навларини ўсимталаридан ўстирилганда гектаридан 21,2-32,2 т ҳосилдорликка эришилган;

картошка навларини туганак ва туганаксиз ўсимталаридан жадал кўпайтириш технологияси яратилган ҳамда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Иштихон, Тайлоқ ва Оқдарё, туманлари фермер хўжаликларида 316 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 июлдаги 02/09 - 405 - сон маълумотномаси). Бунда ҳар гектаридан 21,2-32,2 тонна картошка ҳосили олиниб, 4,1 – 12,6 млн. сўмгача соф даромад ва 24,8 - 66,4 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили институт махсус комиссияси ва республика ҚСХВ, ҚХИИЧМ мутахассислари томонидан синовдан ўтди ва юқори баҳоланди. Тажриба натижалари 3 та халқаро конференцияда (Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида 2007 йил, Жанубий Кореянинг Геонгсанг шаҳрида 2016 йил, Россиянинг Пенза шаҳрида, 2016 йил), ҳар йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчилари илмий ҳисобот конференцияларида (2003-2017), республика илмий конференцияларида (Самарқанд 2004-2017; Тошкент 2011-2017, Термиз 2016), иккита илмий семинарларда ҳамда институт Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида тингланиб, муҳокама этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 4 та хорижий журналларда илмий иш

чоп этилган, 3 та ишлаб чиқаришга тавсиялар нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Картошкани ўсимталаридан етиштириш технологиясига оид илмий манбалар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, картошкани ўсимта ва туганакларидан етиштириш, маҳаллий шароитда озиқлантиришнинг таъсири, минерал ва органик ўғитлар биргаликда боғлаб қўллаш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот жойи, шароитлари, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари етарлича баён этилган.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари Самарқанд вилояти эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида олиб борилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тажриба ўтказилган оч тусли бўз тупроқларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири умумий азот ҳайдалма (0-30 см) қатламда 0,12 – 0,15 %, фосфор 0,12 – 0,14 %, калий 2,2 – 2,5 % ни ташкил этиб, уларнинг ҳаракатчан шакли эса, $N\text{-}NO_3$ - 8,5 - 15,7, P_2O_5 - 22,0 – 25,8, K_2O – 197 - 208 мг/кг ташкил этганлиги аниқланган. Тупроқ сувли сўримининг муҳити кучсиз ишқорий бўлиб, pH = 7,1-7,3 га тенг бўлиши ҳақида маълумотлар баён этилган.

Зарафшон водийси табиий-иқлим шароитининг фарқли томони таъкидланганидек, юқори ҳарорат ва ёруғликка эгалиги, қуруқ ҳаво ҳароратининг тез ўзгарувчанлиги, об-ҳаво шароитини, айниқса баҳор ва куз фаслларида кутилмаганда кескин ўзгаришига олиб келиши ҳақида маълумотлар берилган. Зарафшон водийси ҳудудида ўсимликларнинг ўсув

даври 255 кундан 275 кунгача ўзгаради. Қишлоқ хўжалик экинларининг 63 фоиз қисми денгиз сатҳидан 400-450 метр баландликдаги ҳудудларда етиштирилса, қолган 37 фоизи 500-700 метр баландликда етиштирилиши таъкидланган.

Тадқиқотлар ўтказилган йиллар (иқлим) метеорологик кўрсаткич-ларнинг хилма-хиллиги билан фарқланган. Бу эса картошка навлар тўпламини туганак ва ўсимталаридан ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги бўйича тўлароқ баҳолаш, танланган навларни турли хил туп қалинликларида ҳамда ўғит меъёрларида ўстиришнинг уруғлик туганаклар чиқимига таъсири баён этилган.

Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида картошкани ўсимта ва туганакларидан етиштириш имконияти мавжудлиги асослаб берилган.

Тадқиқотлар жараёнида қуйидаги ҳисоблаш, кузатиш ва анализлар ўтказилган:

тупроқ ҳайдалма қатламидаги гумус И.В.Тюрин, ялпи азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко, нитрат азоти Гранвальд-Ляжу, аммоний азоти Несслер реактивида, тупроқнинг механик таркиби Н.А.Качинский, ҳаракатчан фосфор В.П.Мачигин, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида аниқланган;

фенологик кузатишлар Давлат нав синаш комиссияси услуби бўйича, биометрик ўлчашлар (ўсимлик бўйи, пояси, ён шох сони, барг сони ва сатҳи кабилар) картошка хўжалик илмий тадқиқот институти услуби бўйича, ўсимликларнинг вирус касалликлари билан яққол ҳолдаги зарарланиши визуал усулда, яширин шаклдаги зарарланиши серологик ҳамда иммунофермент анализлари ёрдамида, ҳар бир тупнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари турли нав ва тажриба вариантларида ҳар бир делянкадан 20 тадан ўсимликлар танлаш орқали Бутунроссия картошка хўжалиги илмий тадқиқот институти услуби бўйича, ўсимлик униб чиққанининг 60, 70 ва 80 - кунлари ҳосил тўплаши ковлаш усулида, ҳосилдорлик делянка ҳосилини йиғиштириб уни майдон бирлигига ўтказиш орқали товар, уруғбоп туганаклар чиқими, вариантлар бўйича туганакларнинг уруғлик сифати (вирус касалликлар билан зарарланиши ҳамда кейинги репродукция ҳосилдорлиги бўйича) ўрганилган, ҳосилдорлик кўрсаткичларига Б.А.Доспехов, Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов услублари бўйича статистик ишлов берилган, картошка танланган навларини ўсимталардан қулай қалинликларда ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги Бутунроссия картошка хўжалиги илмий тадқиқот институти услуби бўйича аниқланган.

Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий тадқиқотлар картошкани туганаксиз ўсимталардан ўстиришга мос навларини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот йўналишлари диссертацияда аниқ кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Ўсимталаридан етиштиришга мос картошка навларини ажратиш»** деб номланган учинчи бобида картошка навларининг нишлатилган уруғлик туганакларидан етиштирилган ўсимталар орқали

ўстиришга яроқлилигини баҳолашнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Ўрганилган навларнинг нишлатилган уруғлик туганаклари кўчатхонага бир қават экилиб, усти 6-7 см қалинликдаги қорақум билан кўмилиб, 18-27 кун ўтгач ўсиб чиққан, 12-15 см узунликдаги синдириб олинган ўсимталар энг юқори (92 %) тутувчанликка эга бўлган. Чунки, бундай ўсимталар поясининг йўғонлиги 5-8 мм ни, чинбарглар сони 4-5 тани, поянинг ердан чиққан қисми массаси 10-14 г ни, илдиз массаси 0,6-1,0 г ни, ўсимта таркибидаги намлик 89-92 % ни, умумий узунлигининг 65-75 % и яшил рангга кирганлиги, механик хусусияти қайишқоқлиги билан характерланган (1-расм).



1-расм. Картошка турли навлари вазни 50-80 граммлик уруғлик туганакларидан ўстирилганда ўсимта чиқими

Маълумотларнинг кўрсатишича, туганаклардан ўсимта чиқими, унинг вазнига боғлиқ. Масалан, Likariya навининг вазни 30-50 грамм бўлган уруғлик туганакларидан 2,4 дона ўсимта олинган бўлса, 50-80 ва 80-100 граммлик туганаклар эса 2,7 дона ўсимта олишни таъминлаган. Ўртатезпишар Sante навида эса бу кўрсаткич тегишли равишда, 2,8 ва 3,3-3,7 донани ташкил қилган. Ўрганилган тезпишар навлар гуруҳидан энг кўп ўсимта вазни 30-50 ва 50-80 граммлик уруғлик туганаклар экилганда Red Scarlett (3,8-4,0), Valisa (3,5-3,6), Дельфин (3,4-3,5), Latona (3,2-3,5), Binella

(3,0-3,2), Қувонч-16/56 м (3,0-3,1) навларидан; ўртатезпишар навлар гуруҳидан – Memphis (3,7-3,9 дона), Agria (3,6-3,9 дона), Aladin (3,6-3,7 дона), Marfona (3,5-3,8 дона), Бардошли-3 (3,5-3,6 дона), Obelix (3,4-3,8 дона), Kondor (3,1-3,4 дона), Kuroda (3,1-3,4 дона); ўртапишар навлар гуруҳидан эса – Arnova (4,2-4,6 дона), Arinda (3,9-4,4 дона), Альтаир (3,8-3,9 дона), Ҳамкор-1150 (3,7-3,8 дона) навларида қайд этилган.

Картошканинг ўрганилган тезпишар, ўртатезпишар ва ўртапишар навлари симталардан ўстирилганда ҳосили ҳар бир вариант ҳамда такрорлар бўйича алоҳида йиғиштирилиб, тортилиб, умумий, товар ва нотовар ҳосилдорлик аниқланган (2-расм).

Товар ҳосилдорлик мазкур навларда гектаридан 18,6-22,0 тонна бўлиб, унинг салмоғи 94,8-96,3 % эканлиги маълум бўлган. Синалган ўртатезпишар навларда ўсимталардан ўстирилганда умумий ҳосилдорлик гектаридан 16,1-20,7 тоннани ташкил этган. Стандарт Sante навига нисбатан юқори ҳосилдорлик Marfona, Agria, Aladin, Obelix, Kondor, Memphis навларида кузатилиб, 2,7-13,1 % ни ташкил этган. Стандарт навга нисбатан паст ҳосилдорлик (16,1 т/га) Kuroda навида қайд этилган.



2-расм. Картошка навлари ўсимталардан ўстирилганда товар ҳосил чиқими

Картошка ўртапишар навлари ўсимталаридан ўстирилганда умумий ҳосилдорлик гектаридан 10,8 дан 22,9 тоннагача, товар ҳосилдорлик эса 9,5 дан 22,0 тоннагача ўзгарган. Энг юқори умумий (21,5-22,9 т/га) ва товар

(20,6-22,0 т/га) ҳосилдорлик Arnova, Альтаир, Arinda навларидан олиниб, стандарт Draga навига нисбатан қўшимча ҳосилдорлик 15,6-23,1 % ни ташкил этган.

Картошканинг тезпишар – Red Scarlett, Binella, Valisa, Likariya; Қувонч-16/56 м, Дельфин, ўртатезпишар – Kondor, Marfona, Obelix; Aladin, Memphis ўртапишар – Arnova, Альтаир, Arinda навларини ўсимталардан ўстириш гектаридан 18-22 тонна товар ҳосил олишни таъминлаган.

Диссертациянинг **«Ажратилган картошка навларини туганак ва ўсимталардан турли туп қалинликларида ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши ва ҳосилдорлиги»** деб номланган тўртинчи бобида картошкани ўсимталаридан экишнинг мақбул туп қалинлигини ва ўсимтаси синдириб олинган туганаклардан фойдаланиш имкониятини аниқлаш, ўсимликнинг ўсиш, ривожланиш, ҳосил шаклланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Танланган картошка навларини туганак ва ўсимталардан турли қалинликларда ўстирилганда тажриба вариантлари, қайтариқлар ва ўтказилган йиллар бўйича ҳосилдорлик, товар ҳосил, соф ҳосилдорлик ва кўпайиш коэффициенти кескин ўзгарган (1-жадвал).

Картошка ўртатезпишар Marfona нави биринчи ўсимтали уруғлик туганаклардан экилганда ўртача ҳосилдорлик гектаридан 22,3 тоннани, шундан товар ҳосил 20,8 тоннани, соф ҳосилдорлик 17,2 тонна, кўпайиш коэффициенти 4,8 ни ташкил этган.

Ўсимтаси олинган туганаклар экилганда ҳосилдорлик гектаридан 3,4 т га, товар ва соф ҳосилдорлик 3,2 тоннага, кўпайиш коэффициенти 0,9 га камайган. Шу уруғлик туганаклар макроўғит ва ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланиб экилганда эса ҳосилдорлик гектаридан 20,8 тоннани, товар ҳосилдорлик 19,4 тоннани, соф ҳосилдорлик 15,8 тоннани, кўпайиш коэффициенти 4,4 ни ташкил этган.

Картошка тезпишар Red Scarlett ва ўртапишар Arnova навларида ушбу қонуниятлар такрорланиб, туганак ўсимталари 70х30х3 ва 70х20х2 см схемаларда экилганда энг юқори ҳосилдорлик гектаридан 19,3 – 22,7 тоннани, товар ҳосилдорлик 18,1-21,6 тоннани, ўсимтаси олинган уруғлик туганаклар макроўғит ва ўстирувчи стимуляторларда ишланиб экилганда эса энг юқори ҳосилдорлик гектаридан 23,1-26,2 тоннани, товар ҳосилдорлик - 21,8-25,0 тоннани, соф ҳосилдорлик – 18,2 – 21,4 тоннани, кўпайиш коэффициенти – 5,1-5,9 ни ташкил этган.

Самарқанд вилояти эскидан суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида картошка тезпишар Red Scarlett, ўртатезпишар Marfona ва ўртапишар Arnova навлари ўсимталаридан 70х30х3, 70х20х2 см схемаларда ўстириб гектаридан 18-22 тонна, ўсимтаси олинган уруғлик туганаклар макроўғит ва ўстирувчи стимуляторлар эритмасида 2 соат давомида ишлаб экилганда гектаридан 20-25 тонна дан ошириб товар ҳосил олинган.

1-жадвал.

Танланган картошка навларини туганак ва ўсимталардан турли қалинликларда ўстирилганда ҳосилдорлиги (2003-2005 йиллар)

№	Вариантлар	Йиллар бўйича ҳосилдорлик т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосил		Соф (уруғлик туганакдан ташкари) ҳосилдорлик, т/га	Экиш меъёри, т/га	Кўпайиш коэффиценти
		2003	2004	2005		т/га	%			
Тезпишар Red Scarlett нави										
1.	Биринчи ўсимтали 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	25,7	27,1	24,6	25,8	24,4	94,5	20,8	3,6	7,5
2.	12-15 см ўсимта 70х30х3 см схемада экилганда	18,7	21,5	17,7	19,3	18,1	94,2	18,1	-	-
3.	12-15 см ўсимта 70х20х2 см схемада экилганда	20,4	23,0	18,4	20,6	19,4	94,4	19,4	-	-
4.	12-15 см ўсимта 70х10х1 см схемада экилганда	15,9	17,4	15,3	16,2	15,2	93,6	15,2	-	-
5.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	21,4	22,3	20,5	21,4	20,1	94,0	16,5	3,6	4,6
6.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 4 % ли аммофос+0,005 % гиббереллин+0,02% қаҳрабо кислотаси эритмасида 2 соат давомида ивитилиб, 70х20х1 см схемада экилганда	23,0	24,5	21,8	23,1	21,8	94,2	18,2	3,6	5,1
	$S_{\bar{x}}$(%)=	2,5	4,0	1,9						
	ЭКФ$_{05}$=	2,0	3,5	1,4						
Ўртатезпишар Marfona нави										
7.	Биринчи ўсимтали 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	21,0	24,4	21,5	22,3	20,8	93,1	17,2	3,6	4,8
8.	12-15 см ўсимта 70х30х3 см схемада экилганда	16,0	18,6	16,4	17,0	15,7	92,4	15,7	-	-
9.	12-15 см ўсимта 70х20х2 см схемада экилганда	18,3	19,9	17,3	18,5	17,2	93,0	17,2	-	-
10.	12-15 см ўсимта 70х10х1 см схемада экилганда	13,8	14,8	12,5	13,7	12,9	94,2	12,9	-	-
11.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	18,9	20,2	17,6	18,9	17,6	93,0	14,0	3,6	3,9
12.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 4 % ли аммофос+0,005 % гиббереллин+0,02% қаҳрабо кислотаси эритмасида 2 соат давомида ивитилиб, 70х20х1 см схемада экилганда	21,4	21,7	19,3	20,8	19,4	93,3	15,8	3,6	4,4
	$S_{\bar{x}}$(%)=	1,4	3,8	2,1						
	ЭКФ$_{05}$=	1,0	3,0	1,4						
Ўртапишар Arnova нави										
13.	Биринчи ўсимтали 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	27,3	30,3	26,7	28,1	26,9	95,8	23,3	3,6	6,5
14.	12-15 см ўсимта 70х30х3 см схемада экилганда	19,3	23,2	19,0	20,5	19,4	94,6	19,4	-	-
15.	12-15 см ўсимта 70х20х2 см схемада экилганда	23,2	24,4	20,5	22,7	21,6	95,3	21,6	-	-
16.	12-15 см ўсимта 70х10х1 см схемада экилганда	18,3	21,5	17,2	19,0	17,9	94,0	17,9	-	-
17.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	23,6	26,5	22,8	24,3	23,1	95,2	19,5	3,6	5,4
18.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 4 % ли аммофос+0,005 % гиббереллин+0,02% қаҳрабо кислотаси эритмасида 2 соат давомида ивитилиб, 70х20х1 см схемада экилганда	25,8	28,7	24,1	26,2	25,0	95,6	21,4	3,6	5,9
	$S_{\bar{x}}$(%)=	2,5	3,3	2,1						
	ЭКФ$_{05}$=	2,2	3,3	1,8						

Ажратилган картошка навларининг туганак ва ўсимталардан турли қалинликларда етиштирилган уруғбоп ҳосили ёзда ўстирувчи стимуляторларда ишланиб, иккиҳосилли экин сифатида қайта экилганда ҳосилдорлиги тажриба вариантлари бўйича ўртатезпишар Marfona навида гектаридан 14,8-17,8 тоннани, тезпишар Red Scarlett навида – 15,5-19,4 тоннани, ўртапишар Arnova навида 18,4-23,6 тоннани ташкил этган (2-жадвал).

Энг юқори ҳосилдорлик (17,8-23,6 т/га) ўрганилган барча навларда биринчи ўсимтали уруғлик туганаклардан етиштирилган уруғбоп ҳосил экилганда қайд этилган.

Нисбатан юқори ҳосилдорлик (Marfona навида – 16,6-17,2 т/га; Red Scarlett навида – 18,7-19,0 т/га; Arnova навида – 22,0-22,5 т/га) 12 -15 см ли ўсимталар 70х20х2 см схемада ва ўсимтаси олинган уруғлик туганаклар макроўғит ҳамда ўстирувчи стимуляторларда ишланиб, етиштирилган уруғбоп туганаклар экилганда аниқланган.

Биринчи ўсимтали уруғлик туганаклардан етиштирилган уруғбоп ҳосил экилган вариантга нисбатан ҳосилдорликнинг камайиши энг кам, яъни, 6,8 % ни ташкил этган. Ўсимталар 70х10х1 см схемада ёки ўсимтаси олинган туганаклар макроўғит ва ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланмасдан экилиб, етиштирилган уруғбоп ҳосил экилганда эса ҳосилдорлик камайиши навлар бўйича 11,1-22,1 % бўлган.

Диссертациянинг **«Ўғит меъёрларининг картошка навларини туганак ва ўсимталаридан ўстирилганда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги»** деб номланган бешинчи бобида ҳар хил озиқлантириш шароитида танланган картошка тезпишар Red Scarlett, ўртатезпишар Marfona ва ўртапишар Arnova навлари туганак ва ўсимталаридан 70х20 см да экилиб, турли ўғит меъёрларининг таъсири ўрганилган.

Ажратилган картошка навлари турли ўғит меъёрларида ўстирилганда навлар бўйича 70х20 см схемада экилганда ҳосилдорлик 16,8-34,2 тоннагача ўзгарган.

Картошка навларида энг юқори ҳосилдорлик гектарига 20 тонна ярим чириган гўнг $+N_{200}P_{160}K_{100}$ кг меъёрларда ўғит қўлланилганда олинган ва навлар бўйича ҳосилдорлик гектаридан 22,1-34,2 тоннани ташкил этган.

Картошка тезпишар, ўртатезпишар ва ўртапишар навлари турли ўғит меъёрларида етиштирилганда навлар бўйича умумий ҳосил алоҳида-алоҳида йиғиштириб олингач, умумий ҳосилдан маҳсулот сифати юқори бўлган соғлом ва сифатли, товар ва уруғлик материал талабларига тўлиқ жавоб берадиган товар ва уруғбоп картошка туганаклари ажратиб олинган.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ажратилган картошка навлари турли ўғит меъёрларида ўстирилганда товар ва уруғбоп ҳосил чиқими, ўғит меъёри ва экин нави ҳамда ўстириш шароитларига сезиларли даражада боғлиқ.

2-жадвал.

Танланган картошка навларининг туганак ва ўсимталардан турли қалинликларда етиштирилган уруғбоп ҳосили ёзда ўстирувчи стимуляторларда ишланиб қайта экилганда ҳосилдорлиги (2003-2005 йиллар)

№	Уруғлик туганаклар етиштирилган вариантлар	Йиллар бўйича, т/га			Ўртача, ҳосилдорлик, т/га	1-ўсимтаси билан экилган туганакка нисбатан	
		2003	2004	2005		т/га	%
	Тезпишар Red Scarlett нави						
1.	Биринчи ўсимтали 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	20,2	18,7	19,3	19,4	-	100,0
2.	12-15 см ўсимта 70х30х3 см схемада экилганда	18,0	16,3	17,3	17,2	-2,2	88,7
3.	12-15 см ўсимта 70х20х2 см схемада экилганда	19,4	18,0	18,7	18,7	-0,7	96,4
4.	12-15 см ўсимта 70х10х1 см схемада экилганда	16,1	14,6	15,8	15,5	-3,9	79,9
5.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	17,6	16,1	16,7	16,8	-2,6	86,6
6.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 4 % ли аммофос+0,005 % гиббереллин+0,02% қаҳрабо кислотаси эритмасида 2 соат давомида ивитилиб, 70х20х1 см схемада экилганда	19,9	18,4	18,7	19,0	-0,4	97,9
	$S_{\bar{x}}$(%)=	2,3	3,0	2,7			
	ЭКФ$_{05}$=	1,7	2,0	1,9			
	Ўртатезпишар Marfona нави						
7.	Биринчи ўсимтали 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	18,6	17,2	17,6	17,8	-	100,0
8.	12-15 см ўсимта 70х30х3 см схемада экилганда	16,9	15,5	15,3	15,9	-1,9	89,3
9.	12-15 см ўсимта 70х20х2 см схемада экилганда	17,1	16,0	16,7	16,6	-1,2	93,2
10.	12-15 см ўсимта 70х10х1 см схемада экилганда	15,5	14,1	14,8	14,8	-3,0	83,1
11.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	15,8	14,8	15,0	15,2	-2,6	85,4
12.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 4 % ли аммофос+0,005 % гиббереллин+0,02% қаҳрабо кислотаси эритмасида 2 соат давомида ивитилиб, 70х20х1 см схемада экилганда	18,1	16,7	16,8	17,2	-0,6	96,6
	$S_{\bar{x}}$(%)=	2,3	2,8	3,1			
	ЭКФ$_{05}$=	1,5	1,7	1,9			
	Ўртапишар Arnova нави						
13.	Биринчи ўсимтали 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	25,1	22,7	23,0	23,6	-	100,0
14.	12-15 см ўсимта 70х30х3 см схемада экилганда	22,4	20,3	20,6	21,1	-2,5	89,4
15.	12-15 см ўсимта 70х20х2 см схемада экилганда	23,1	21,0	21,9	22,0	-1,6	93,2
16.	12-15 см ўсимта 70х10х1 см схемада экилганда	19,2	17,6	18,4	18,4	-5,2	77,9
17.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 70х20х1 см схемада экилганда	21,3	18,5	19,0	19,6	-4,0	83,1
18.	Ўсимтаси олинган 50-60 г лик туганаклар 4 % ли аммофос+0,005 % гиббереллин+0,02% қаҳрабо кислотаси эритмасида 2 соат давомида ивитилиб, 70х20х1 см схемада экилганда	24,1	21,0	22,4	22,5	-1,1	95,3
	$S_{\bar{x}}$(%)=	1,9	3,3	2,3			
	ЭКФ$_{05}$=	1,7	2,6	1,9			

Ушбу шароитда ажратилган картошка навлар турли ўғит меъёрларида экиб ўстирилганда навлар бўйича товар ҳосил 15,3-32,9 т/га ёки 91,1-96,3 % ни, уруғбоп ҳосил чиқими 8,5-19,5 т/га ёки 50,5-57,2 % ни ташкил этган.

Энг юқори товар (27,0-32,9 т/га) ва уруғбоп (15,8-19,5 т/га) ҳосилдорлик ажратилган картошка навларининг гектарига 20 тонна ярим чириган гўнг $+N_{200}P_{160}K_{100}$ кг меъёрларда ўғит қўлланилиб, 70х20 см схемада экиб ўстирилганда ўртапишар Arnova навидан олинган.

Демак, эскидан суғориладиган бўз тупроқлар шароитида картошкадан 34,2 т/га ва зиёд ҳосилдорликка эришиш, гектаридан 32,9 тонна товар ҳосили ва 19,5 тонна ва ундан зиёд уруғбоп ҳосил олиш учун картошка ажратилган навларини гектарига 20 тонна ярим чириган гўнг $+N_{200}P_{160}K_{100}$ кг меъёрларда ўғит қўлланиб, 70х20 см схемада экиб етиштириш тавсия этилган (3-расм).

Диссертация ишининг **«Ўсимта ва туганаклардан картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги»** деб номланган олтинчи бобида эскидан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли ва ўтлоқ бўз тупроқлар шароитида картошка навларини туганак ва ўсимталаридан қулай туп қалинлигида ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

2009-2011 йилларда олиб борилган тажриба якунларини ҳисоблашларнинг кўрсатишича, картошка ажратилган навлари ўсимтасидан 70х20х2 см схемада экилиб, 20 т/га ярим чириган гўнг$+N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га берилганда юқори соф даромад (5010,2-10397,3 минг сўм) ва рентабеллик даражаси (30,0-61,9 %) олинган. Шунда бир гектарга қилинган жами харажатлар 16692,0 дан 16804,1 сўмгача, бир центнер картошка таннархи 75529- 60664 сўмни ташкил этган.



3-расм. Танланган картошка навлари 20 т/га ярим чириган гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га органоминерал ўғит шароитида туганак ва ўсимталаридан ўстирилганда ҳосилдорлиги (2009-2011 йй.)

